

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM VAZIRLIGI
SAMARQAND DAVLAT UNIVERSITETI**



**«XXI ASR O‘ZBEK USLUBSHUNOSLIGINING
DOLZARB MASALALARI» MAVZUSIDAGI ILMIY
ANJUMAN MATERIALLARI**

Samarqand-2021

РАҲБАРЛИК ЛАВОЗИМЛАРИ ПРОФЕССИОГРАММАЛАРИ ҲАҚИДА

Ш.Мўминов, ФарДУ тадқиқотчиси.

Жамият ривожлангани сари инсонлар ўртасидаги муносабатлар ҳам, бошқарув санъати ҳам ўзгариб, такомиллашиб боришлиги мутахассислар томонидан кўп бор таъкидланган. Замондан орқада қолмаслик, жумладан, бошқарувнинг замонавий усул ва воситаларини эгаллаш учун эса раҳбарлик лавозимлари профессиограммаларидан бохабар бўлиш талаб этилади.

Профессиограмма сўзи латинча профессионал (расмий белгиланган касб) [3,315], профессионализм (касб-кор, мутахассислик, бирор касб-хунар, мутахассисликни юқори даражада ўзлаштириш; юксак маҳорат) [3,316] сўзлари билан ўзақдош бўлиб, муайян вазифалар туркумини бажариш учун кишидан талаб қилинувчи фазилатлар, касбий билим, кўникма ва малакаларнинг уйғун мажмуасидир.

“Жаҳонда бошқарув, раҳбарлик санъатига бағишланган илмий изланишлар, мақола ва китоблар кўп. Ҳатто алоҳда фанлар ҳам мавжуд... айни ҳолда бошқарув ва бошқарувчи шасига тааллуқли асарлар илгарилари ҳам кўп ёзилган ва ёзилмоқда.” [2,33].

Ҳар бир мансаб, лавозим ўзининг асосий ва кўшимча функционал фаолият йўналишларига эга. Лавозим, мансаб эгаси томонидан ана шу билим ва малакаларнинг оқилона қўлланилиши пировард натижада халқ хўжалиги, соҳанинг юксак самарадорлигини таъминлайди. Шу боис Ўзбекистон кадрлар сиёсатида раҳбар лавозимлар учун профессиограммалар тузишга илмий ёндашиш, уларда муайян лавозим талабларини, фаолият турларини тўлиқ акс эттириш ўта муҳим ва амалий аҳамиятга эга.

Профессиограммаларнинг мукамаллиги уларнинг муайян ҳудудий, даврий, ижтимоий-иқтисодий, миллий-маҳаллий хусусиятга эгаллиги билан белгиланади. Шу жиҳатдан Ўзбекистонда ислоҳотларни амалга оширишнинг энг муҳим бўғини – маҳаллий давлат ижроия ҳокимияти лавозимлари

профессиограммарини тузиш ва амалга ошириш тараққиётни тезлаштириш шартларидан бири бўла олади. Профессиограммалар тузишнинг хорижий тажрибаси уларнинг бир неча йўналишларда самарали бўлишини тасдиқлади. Яъни профессиограммалардан: касб ва шахс орасидаги мувофиқликни таъминлашга қаратилган ахборотномалар; касб ва шахс орасига мувофиқликни ташхис қилиш; тузатиш; шахсни раҳбарлик фаолиятига тайёрлаш бўйича илмий-оммабоп тавсиялар, хизмат хужжатлари, қўлланмалар тузишда фаол қўлланилади. Ўзбекистонда профессиограммаларнинг раҳбар кадрлар технологиясига жорий қилиниши раҳбар кадрларга қўйиладиган талабларни амалиётга тезкор жорий қилишнинг самарали механизмини яратади. Раҳбарлик лавозимлари профессиограммалари ўзига хос услубларда тузилади. Булар сирасига раҳбар лавозимидаги кишилар бажараётган иш турларини ўрганиш, умумлаштириш; маънавий, мафкуравий, бошқарувга оид, иқтисодий касбий билим, кўникма ва малакалари мезонларини ишлаб чиқиш; кузатув; иш хужжатлари, қарорини ўрганиш; йиллик раҳбарликни ишлаб чиқариш билан алоқадорликда таҳлил қилиш; муайян соҳа ходимлари, ишчи-хизматчилари орасида сўровлар ўтказиш, раҳбар шахсини биографик ўрганиш; раҳбарларга қўйилаётган умумий ва хусусий (маълум бир соҳа йўналиши бўйича) талабларни умумлаштириш ва бошқалар киради. Йиғилиш материалларни умумлаштириш мутахассислар ҳайъати, структурал-системали, функционал-системали таҳлиллар орқали амалга оширилади.

Профессиограммалар бир томондан, кадрлар сиёсатида объективлик тамойилини таъминлашнинг ишончли қуроли бўлса, иккинчи томондан раҳбар кадрлар тайёрлаш технологик тизимда меъёрлаштирувчи, назорат қилувчи восита бўлиб хизмат қилади. Профессиограммаларнинг бошқа технологик хужжатлардан фарқ қилиб турадиган жиҳати – уларда раҳбарлик лавозими учун хос бўлган (лавозим талаблари) билим, кўникма ва малакалар кўсаткичларини акс эттиришидadir. Бошқа технологик хужжатлар эса,

муайян лавозим профессиограммаси кўрсаткичларининг намоён бўлишини, мезонларини ва даражаларини қайд қилиш, баҳолаш услубияти ва воситалари сирасига киради.

Профессиограммаларни ахборот тарқатиш жабҳасида ҳам қўллаш мумкин. Бунда истиқболли мутахассисларга раҳбарликнинг умумий хоссалари, ўзига хос шакл ва услублари, муайян лавозимларнинг тарихий, замонавий, касбий талаблари баён қилинади. Ахборот берувчи профессиограммалар бўлажак раҳбарларга ўз имкониятларини мақсадли шакллантириш, ўз мансаб поғоналарини ривожлантиришнинг энг қулай йўллари белгиланганга ёрдам беради. Ўз-ўзини мақсадли тайёрлаш раҳбар фаолияти жараёнида, лавозим вазифаларини билмаслик, хатоларга йўл қўйиш, адаптация даврининг чўзилиб кетишининг олдини олади. Шу тариқа ҳар бир раҳбар лавозимга тааллуқли бўлган профессиограммаларнинг мавжудлиги ўткинчи кишиларнинг бошқарув тизимига кириб қолишларининг олдини олади, мансабга ҳалол меҳнат билан эришиш учун демократик замин тайёрлаб, кенг имкониятлар яратади.

Тақомиллаштируви Профессиограммалар бутунги кунда раҳбарлик лавозимларида ишлаётган шахсларга мўлжалланади. Уларда раҳбарларга ўзларининг Профессиограммаларидаги ўзгаришлар батафсил ёритиб борилади. Чунки ҳозир раҳбарларимизда вақт тифизлиги, ахборотларнинг эса, ҳар кун янгиланиб бораётганлиги, янги Қонун, Фармон ва қарорлар пайдо бўлаётганлиги туфайли уларга тайёр, амалий характердаги тавсиялар зарур. Лавозим талабларининг ошиб бораётганлиги ва бу талабларга жавоб бериш учун раҳбарлар нималарга, қандай амал қилишлари кераклиги ҳаётий мисоллар ёрдамида уқтириб борилади. Натижада раҳбарларнинг тезкор маълумотлар билан таъминланишлари эвазига, Қонун, фармонларнинг тез ва сифатли ижросига, пировард натижада эса, ислохотлар суръатининг тезлашувига замин яратилади.

Юқоридагилардан маълум бўладики, "...раҳбарлик фаолияти билан шуғулланувчи кишининг шахси юксак инсоний фазилатлар билан боғлиқдир. Раҳбар ҳалол-поқ, виждонли, иймонли, қаттиққўл, диёнатли, меҳр-шафқатли бўлиши керак" [1,22]. Энг муҳими, раҳбар муомала маданиятини пухта эгаллаган бўлиб, "бошқарув фаолиятида бошқарилувчиларнинг шахсиятини поймол қилмаслиги, инсоний хусусиятларига путур етказмаслиги, одамийлик, касбий, умумахлоқий нормалар даражасида ўз фаолиятини амалга оширмоғи лозим" [2 ,33]. Бу эса раҳбар кадрлар тайёрлашда замонавий бошқарув санъати, психология фанлари билан бир қаторда нутқ маданияти ва нотиклик санъати фанига алоҳида ўрин ажратиш кераклигини тақозо этади.

Адабиётлар:

1. Б о й м у р о д о в Н. Раҳбар психологияси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005.
2. Ё ў л д о ш е в М., Н а з а р з о д а Н. Раҳбарлик психологиясида ахлоқ. – Тошкент: SHarq, 2010.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдли. Учинчи жилд. – Тошкент: "Ўзбекистони миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2007.

XATIRCHI TUMANI GIDRONIMLARINING LEKSIK-SEMANTIK XUSUSIYATLARI

*U.S.Turdimurodov, SamDU O'zbek tilshunosligi
kafedrasi o'qituvchisi*

Yer yuzidagi geografik nomlarning katta qismini suv bilan bog'liq nomlar tashkil qiladi. Bu nomlar gidronimlar deyiladi. Gidronim (yunoncha hudor – suv + onoma – onoma ot) – suvlikdagi har qanday (tabiiy va sun'iy) obyektlarning (okeonim, pelagonim, limnonim, potamonim, gelonim) atoqli oti, toponim turi.⁷⁵

⁷⁵ Бегматов Э., Улуқов Н. Ўзбек ономастикаси терминларининг изоҳли луғати. – Наманган, 2006. 25-б.

USMON AZIM SHE'RIYATIDA SONLARNING USLUBIY XUSUSIYATLARI (S.Umirova, SamDU dotsenti)	170
SO'Z TARTIBINING MANTIQUIY URG'UGA TA'SIRI (A.Sobirov, dotsent)	176
ТЕМИРБЕК ТУРАБОЕВНИНГ «ТЕОРЕМА» РОМАНИДА ЭПИТЕТДАН ФОЙДАЛАНИШ МАҲОРАТИ (Б.Сулаймонов, ҚарДУ ўқитувчиси)	183
АЪЗАМ ЎКТАМ ВА МИНҲОЖИДДИН ШЕЪРИЯТИДА МЕТАФОРА (Т.Бутунбаева, ЎзДХА ўқитувчиси)	186
О'ЗБЕК ТИЛИДА ЕКСПРЕССИВЛИК-ЕМОТСИНАЛЛИКНИНГ ИФОДАЛАНИШИ (D.Sayipova, SamDUKF o'qituvchisi)	193
БАДИИЙ НУТҚ ВА БАДИИЙ МАТННИНГ ЭСТЕТИК ХУСУСИЯТЛАРИ (Д.Исламова СамДУ ўқитувчиси)	201
TERMIN VA UNING TALQINIGA DOIR MULOHAZALAR (M.Ubaydullava, SamDU O'zFi PI o'qituvchisi)	205
ORONIMLARNING LINGVISTIK TADQIQI (XATIRCHI TUMANI MISOLIDA) U.S.Turdimurodov, SamDU o'qituvchisi	212
Rang-tus sifatleri va ulardan yasalgan so'zlarning konnotativ ma'no ifodalashi (D.Sayipova, SamDU KF o'qituvchisi)	216
РАҲБАРЛИК ЛАВОЗИМЛАРИ ПРОФЕССИОГРАММАЛАРИ ҲАҚИДА (Ш.Мўминов, ФарДУ тадқиқотчиси)	221
XATIRCHI TUMANI GIDRONIMLARINING LEKSIK-SEMANTIK XUSUSIYATLARI (U.S.Turdimurodov, SamDU o'qituvchisi)	224
ЎЗБЕК ТИЛИДА РАВИШ ЯСАЛИШИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР (С.Мамадиева, Самарқанд шаҳар 16-мактаб ўқитувчиси)	229
О'ЗБЕК ТИЛИДА КО'МАКЧИЛАШАЙОТГАН БИРЛИКЛАРНИНГ SHE'RIY MATNDAGI LINGVOPOETIK XUSUSIYATLARI (Sh.Erbo'tayeva, SamDU O'zFi PI o'qituvchisi)	232
SODDA SO'ZLASHUV VA ADABIY TIL MASALASI (X.Urokov, SamDU 2-kurs magistranti)	239
«ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ»ДА СОҲАГА ОИД ТЕРМИНЛАР ИЗОҲИ (ветеринария терминлари мисолида) Д.Унарова, СамДУ 2-курс магистранти	243
ЛАТИФАЛАР МАТНИДА УЧРОВЧИ СИНТАКТИК-СТИЛИСТИК ВОСИТАЛАР (М.Хусайнова, ФарДУ 2-босқич магистранти)	249
МАКТАВЛАРДА LEKSIKOLOGIYANI O'QITISH (S.Pardayev, SamDU magistranti)	253
O'TKIR HOSHI MOV QISSALARIDA AFFIKSLAR LINGVOPOETIK VOSITA SIFATIDA (N.Shermamatova, SamDU magistranti)	260
РАУФ ПАРФИ ШЕЪРИЯТИДА ЛИРИК ҚАҲРАМОН ВА МУАЛЛИФ УСЛУБИЯТИ (Х.Ғофурова, ФарДУ магистранти)	263
ABDULLA QAHNOR NIKOYALARIDA LISONTY BIRLIKLARINING	267